

**Раҳманов И.Х. - ТМИ, катта илмий-
ходим изланувчи**
**Отамуродов Х.Х. - ТМИ, катта илмий-
ходим изланувчи**

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ПОТЕНЦИАЛИ ВА УНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мазкур мақолада тижорат банклари кредит потенциалининг мазмуни, уни аниқлаш методи, унга таъсир этувчи омиллар, унинг таснифланиши ҳамда республикаимиз банк амалиётида тижорат банклари кредит потенциалини янада ошириш юзасидан тегишли тавсиялар келтириб ўтилган.

Таянч сўзлар: ЯИМ(ялпи ички маҳсулот), ресурс, депозит, кредит, қимматли қоғоз, кредит потенциали, ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар, қарз маблағлари, мобилизация, депозит мультипликатори, пул мультипликатори, кредит экспансияси, трансакцион депозит, мажбурий захира ставкаси.

В данной статье рассмотрены вопросы значение кредитного потенциала коммерческого банка, методы их определение, влияющие факторы, их классификация и рекомендации о дальнейшему повышению кредитного потенциала в практике отечественных банков.

Ключевые слова: ВВП(валовой внутренний продукт), ресурс, депозит, кредит, ценные бумаги, кредитный потенциал, собственные средства, привлеченные средства, заемные средства, мобилизация, депозитный мультипликатор, денежный мультипликатор, кредитная экспансия, трансакционный депозит, ставка обязательного резервирования.

In this article was considered the issues about the meaning of banking power, the methods of their definition, influencing factors, their classification and the recommendations on further improving banking power in the practice of domestic banks.

Key words: GDP(gross domestic product), resource, deposit, credit, securities, banking power, own funds, raised funds, borrowed funds, mobilization, deposit expansion multiplier, money multiplier, credit expansion, transactions deposits, required reserve ratio.

Ўзбекистон Республикасида асосий макроиктисодий кўрсаткичлардан бири ҳисобланган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмининг йиллар мобайнида ўсиш суръатларини таъминлаш ва уни янада оширишни жадаллаштиришнинг йўлларида энг муҳими бу – бугунги кунда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга йўналтирилган ҳамда бу йўлда айниқса, импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини хар

томонлама молиявий ресурслар билан таъминлаш алоҳида ва муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўз маърузасида шундай дея таъкидлаган эдилар: - “Тадбиркорлар билан шахсан учрашишга сизларга нима халақит беради?”

Албатта, бу учрашувларда сизларга ёқмайдиган саволлар берилиши табиий.

Тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувларда шахсан ўзим шунга қаттиқ ишонч ҳосил қилдимки, бундай саволларни беришга уларнинг тўлиқ ва қонуний ҳуқуқи бор.

Бу ҳуқуқни улар турли маълумотнома, рухсатнома ва сертификатлар, кредит олишда неча кунлар навбатда туриш, ноқонуний текширувлар, бой берилган иқтисодий ва молиявий фойда ҳисобидан қўлга киритган”[1].

Дарҳақиқат, тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларга ўз соҳалари бўйича ишлаб чиқаришни амалга оширишга молиявий жиҳатдан қўмаклашиши, аниқроқ айтганда ўз кредитларини таклиф этиши талаб этилади.

Лекин шу ўринда таъкидлаш жоизки, тижорат банклари бу – тижорат хусусиятига эга ва шу аснода фаолият юритувчи юридик шахс бўлиб ҳисобланди. Қайсики хўжалик юритувчи субъектлари учун пул маблағларига эгалик қилиш ёки аниқроқ айтганда уларни ўз фаолиятига жалб қилиш зарурияти мавжуд бўлса, тижорат банклари ҳам бундай муаммодан ҳоли эмас.

Бу ўринда тижорат банклари ресурслари шаклланишини таҳлил қилиш ва уларни қай йўсинда фойдалана олиш имкониятига эга эканлигини ёритиш муҳим амалий ҳамда назарий аҳамият касб этади.

Тижорат банклари ресурслари одатда, ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар ва қарз маблағларидан ташкил топади. Ресурс манбаининг асосий қисмини жалб қилинган маблағлар ташкил этса, банкларга бўлган ишончнинг асосий манбаи(кафолати)ни ўз маблағлари ташкил этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тижорат банклари мавжуд барча маблағлардан актив операцияларни амалга ошириш учун фойдалана олмайди. Бу ҳолат тижорат банклари кредит потенциалини тўғри баҳолашни тақозо этади. Бу бир томонлама қараш ҳолос. Тижорат банклари кредит потенциали қанчалик мустаҳкам бўлмасин, бу ўринда жамиятда мазкур кредитларнинг барчасига ҳам талаб мавжудлиги ёки йўқлиги ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Тижорат банклари кредит потенциали бу – ликвидликни таъминлаш мақсадида талаб этилган резерв қопламалари ажратилган ҳолда ресурсларнинг сафарбар қилинган (мобилизация қилинган) қисмига айтилади[2].

Назарий жиҳатдан олганда бир банк томонидан депозитнинг жалб қилиниши, унинг кредит ресурсини шакллантиради ва кредит тарзида берилади, шунингдек бошқа банкда яна депозит шаклида қайтиб, яна мазкур банкнинг кредит ресурсини шакллантириб, кредит тарзида берилиб боради. Бу

ҳолат қайта-қайта яна бошқа банклар билан амалиёти билан боғланиб боради. Бу жараён депозит мультипликацияси ва кредит экспансиясини англатади. Бунга мисол сифатида қуйидаги 1-жадвални келтириб ўтамиз.

1-жадвал

Депозит мультипликацияси[2]

Банк	Депозит	Кредит	Мажбурий резерв (12,5%)
1	2	3	4
Банк А	1000	875	125
Банк Б	875	766	109
Банк В	766	670	96
Банк С	670	586	84
Банк Е	586	513	73
ва ҳ.к.
Жами	8000	7000	1000

Изоҳ: Мисолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ўртача мажбурий захира ставкаси (12,5 %) олинди. Одатда, мажбурий резервлар нормаси, муддати 1 йилгача бўлган депозитлар учун - 15%, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун - 12%, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун - 10,5%ни ташиқил этади. Шунингдек, фақатгина юридик шахсларнинг банклардаги депозитлари мажбурий захирага тортилади ҳамда мисолда банкларда кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун ажратиладиган захиралар ҳисобга олинмаган.

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида жалб қилинган депозит миқдорининг мультипликация чегарасини қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин[3]:

$$D = D_0 * \frac{1}{R} (1)$$

D – банк тизимида яратилиши мумкин бўлган депозитнинг максимал қиймати;

D_0 – бирламчи депозит миқдори;

R – бир бирлик депозит учун резерв. Бунда $R=0,125$ (12,5%)га тенг.

$$D = 1000 * \frac{1}{0,125} = 8000 \text{ га тенг.}$$

Шундан келиб чиқиб, кредитнинг максимал қийматини аниқлаб олишимиз ҳам мумкин:

$$K = K_0 * \frac{1}{R} (2)$$

K – кредитнинг максимал миқдори;

K_0 – бирламчи кредит миқдори.

R – бир бирлик депозит учун резерв. Бунда $R=0,125$ (12,5%)га тенг.

$$K = 875 * \frac{1}{0,125} = 7000 \text{ га тенг.}$$

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, депозит мультипликацияси ва кредит экспансияси асосан резерв фоиз ставкаларига бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Америкалик иқтисодчи олимлар Роджер Лерой Миллер ва Дэвид Д. Ван-Хузларнинг асарларида депозит мультипликаторини аниқлашда асосий эътибор трансакцион депозитларга қаратилган.

Уларнинг фикрича, трансакцион депозитлар – пуллар яратилишининг ягона шакли бўлиб, депозит мультипликаторини пул мультипликатори сифатида ҳам аташ мумкинлигини қайд этиб ўтадилар[4].

Шунингдек, улар депозит мультипликаторини резервлар ўзгарган шароитда банк тизимидаги умумий депозитлар миқдорининг ўзгаришини ҳисоблашдаги кўрсаткич бўлиб ҳисобланади - деб кўрсатиб ўтадилар.

Бунга мисол қилиб, қуйидагиларни келтириб ўтади. Агар, ФРТ (Федерал резерв тизими) ўз резервлари миқдорини 100 000 АҚШ доллариға оширса, талаб этилган резерв номаси 10%(0,10)га тенг бўлган шароитда қуйидагиларға эришилади:

$$\frac{1}{0,10} * 100000 = 10 * 100000 = 1000000 \text{ долл. (3)}$$

Бу мисолда пул мультипликатори $10:1/0,10=10$ га тенг[4].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тижорат банклари кредит потенциалиға қуйидаги омиллар таъсир кўрсатишини келтириб ўтишимиз мумкин:

- тижорат банклари жалб қилинган маблағларининг сафарбар қилинган (мобилизация қилинган) қисми;
- Марказий банк мажбурий захира ставкаси;
- банклар амалиётида ташкил этилаётган резерв ва фондлар;
- кредит потенциалининг тузилиши (таснифи).

Тижорат банклари кредит потенциалиға таъсир этувчи омиллар қаторида келтирилган кредит потенциалининг таснифи омилини алоҳида назарий жиҳатдан талқин қилиб ўтамыз.

Қуйидаги жадвал маълумотларида тижорат банклари кредит потенциали таснифланиши келтириб ўтилган (2-жадвал).

2-жадвал

Кредит потенциалининг таснифланиши[2]

Муддатиға кўра	Эквивалентиға кўра	Тақдим этилиши(тўловлиги)ға кўра
Қисқа	Миллий валюта	Нақд
Узоқ	Хорижий валюта	Нақдсиз

Тижорат банклари кредит потенциалини таснифлашда унинг шаклланиши манбаларидан келиб чиқиб ёндошилди. Яъни, маблағлар қисқа ва узоқ муддатларға, миллий ва хорижий валютада, шунингдек нақд ва нақдсиз шаклда жалб этилиши мумкин.

Кредит потенциалининг қисқа ва узоқ бўлиши, ўз навбатида жалб қилинган маблағларнинг муддатига боғлиқдир. Шу жиҳатдан кредит потенциали узоқ муддатли бўлиши кўп жиҳатдан жалб этилаётган маблағларни узоқ муддатларга жалб этиш самарадорлигини оширишни талаб этади. Яъни, узоқ муддатли депозитлар миқдорини ошириш кредит потенциалининг узоқ муддатли бўлишини таъминлайди. Бизга маълумки, депозитлар таркибида талаб қилиб олингунча (трансакцион) депозитлар миқдори республикаимиз тижорат банклари амалиётида юқори салмоққа эга. Бу эса, улар томонидан узоқ муддатли кредитлар салмоғини оширишга тўсқинлик қилади.

Тижорат банклари кредит потенциали шунингдек, эквивалентига кўра миллий ва хорижий валютада бўлади. Бу эса, миллий ва хорижий валютада қай даражада маблағлар мавжуд эканлигидан далолат беради. Бугунги кунда, республикаимиз Марказий банки томонидан миллий ва хорижий валютада жалб этилаётган депозитларга нисбатан бир хил мажбурий захира талабномаларининг ўрнатилиши тижорат банкларининг хорижий валютадаги кредит потенциалига салбий таъсир қилмоқда.

Тижорат банклари нафақат нақдсиз балки айрим соҳаларга нақд кўринишидаги кредитларни такдим этиши талаб этилади. Шу боис, нақд кўринишидаги маблағлар(депозит)ни жалб этиш тижорат банкларининг нақд кўринишидаги кредит потенциалини оширишга имкон яратади. Мазкур соҳада бугунги кунда нақд тарзида жалб этилаётган депозитларга нисбатан тижорат банклари томонидан миқозларга айрим қўшимча имтиёзларни таклиф этишни жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитлари, депозитлари, умумий капитали динамикаси, трлн сўм [5]

№	Кўрсаткичлар	Йиллар (йил бошига)				
		2012	2013	2014	2015	2016
1.	Тижорат банклари кредитлари	20,4	26,5	33,5	42,7	53,4
2.	Тижорат банклари ресурслари, жами	26,3	32,6	34,1	43,4	53,9
2.1.	Тижорат банклари депозитлари	20,1	26,1	27,8	35,6	44,6
2.2.	Тижорат банклари умумий капитали	6,2	6,5	6,3	7,8	9,3

Юқоридаги жадвал маълумотлари орқали, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитлари, депозитлари ва капиталининг 2012-2016 йиллардаги динамикасини таҳлил қиламиз.

Жадвал маълумотлари асосида шуни кўриш мумкинки, тижорат банклари кредитлари 2016 йилда 53,4 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 33 трлн.сўмга, яъни қарийб 62 фоизга ошган. Шунингдек, тижорат банклари депозитлари 2016 йилда 2012 йилга нисбатан 24,трлн.сўм, яъни қарийб 55 фоизга, капитал эса, 2016 йилда 2012 йилга нисбатан 3,1 трлн.сўм, яъни қарийб 33 фоизга ўсган.

Мазкур жадвал маълумотлари орқали шуни хулоса қилиш мумкинки, тижорат банклари ўз мажбуриятларидан яъни, жалб қилинган маблағлар ва ўз маблағларидан кредит тарзида тўлақонли фойдаланиб келмоқда. Бу кўрсаткич мос равишда 2012 йилда 77,6 фоизни, 2013 йилда 81,3 фоизни, 2014 йилда 98,2 фоизни, 2015 йилда 98,4 фоизни ва 2016 йилда 99,1 фоизни ташкил этган.

Бу эса, ўз навбатида тижорат банклари актив операцияларида кредит билан боғлиқ операциялар жуда юқори эканлигидан далолат беради.

Юқоридаги таъкидлаб ўтилганлардан келиб чиқиб, республикаимиз тижорат банклари кредит потенциалини оширишда қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- миждозлар таркибини чуқур таҳлил этган ҳолда потенциал миждозлар таркиби ва уларнинг маблағларини аниқлаб олиш;
- аҳоли омонатларининг салмоғини ошириш юзасидан янги инновацион банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш;
- банклараро кредит ресурслари бозорини янада такомиллаштириш;
- тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ актив ва пассив операциялари амалиётини такомиллаштириш ва ҳ.к.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.- Т.:-Ўзбекистон-2017-Б.104.
2. Муаллифлар изланмалари.
3. <http://economics.studio/finansistam> - сайти маълумотлари
4. Роджер Лерой Миллер, Дэвид Д. Ван-Хуз. Современные деньги и банковское дело: Пер. с англ.-М.: ИНФРА-М.-2000-XXIV.-С.856.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.